

“Regionalgeologiya” ДУКда алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш

РЕГЛАМЕНТИ

I-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент “Регионалгеология” ДУК (кейинги ўринларда – Корхона деб юритилади)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Корхонадаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Корхона раисига хисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – Корхонага телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

мурожаатчи – алоқа каналлари орқали Корхонадаги коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, Корхонанинг ёки давлатнинг хукуклари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат

ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан, пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа қўринищдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жихатдан бузилишини бартараф этиш, ташкилот ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Кўмита номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

таалуқли хабар – Корхонадаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – Корхона билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар қўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Корхона коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

Махфийлик (конфеденциаллик) ва хавфсизлик – алоқа каналларидағи хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Корхонанинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш)га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганилиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Корхона унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – қўмита алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равища Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва

юридик шахс, хусусан Корхона ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – agar хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Корхона томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, ташкилот айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қиласди.

II-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. “Регионалгеология” ДУКда коррупцияга оид хабарлар қуидаги алоқа каналлари орқали маълум қилиш мумкин:

- бевосита Корхона директорига;
- Ишонч телефон орқали 0-371-231-85-91;
- электрон почта орқали a.amirov@exat.uz;
- почта орқали - 111800, Тошкент в., Зангиота тумани, Эшонгузар кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 21-уй;
- тўғридан-тўғри Комплеанс ва ички назорат бўлимига (тел.: 0-371-270-24-57);
- Корхонанинг Ахлоқ комиссияси раисига;
- мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари орқали.

6. Корхона алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўкув материалларига киритади, Корхона биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

III-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш

7. Корхонанинг Коррупцияга қарши Комплеанс ва ички назорат бўлими (кейинги ўринларда – Ички назорат бўлими) Корхонанинг алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

8. Корхонанинг қуидаги алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Корхонанинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом

талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Корхона раисига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Корхонанинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Корхонанинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Корхонага оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Корхонанинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграмм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Комплеанс ва ички назорат бўлими масъул ходими тайинланади.

Бунда, таалуқли хабар келиб тушганда Комплеанс ва ички назорат бўлими масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Корхона раисига киритади.

Комплеанс ва ички назорат бўлими масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 08:20 дан 17:30 га қадар таҳлил қиласди. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, хужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграмм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни маҳфийлиги (конфеденциаллиги)ни билдиради. Мазкур маълумотлар таалуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Корхона раиси таалуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиши учун Корхонанинг ички назорат бўлимига топшириқ туширади.

12. Корхонанинг Ички назорат бўлими таалуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Корхонада коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. Корхона мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Корхонанинг маъсул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Корхонага келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

кўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қиласи (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Телеграммдаги махфий чат ва.б.).

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

13. Корхона ходимлари томонидан олинган хабарларни қўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳукуқбузарликларни содир этишининг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

14. Олинган хабарлар бўйича барча таалуқли материаллар, хужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш тузилмасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сакланиши керак.

15. Таалуқли хабар Корхонанинг таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда ҳудудий (таркибий) бўлинма раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулни (мавжуд бўлса) келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қиласи, улар ўз навбатида ушбу хабарни Корхонанинг Комплеанс ва ички назорат бўлимiga юборади. Ички назорат бўлими олинган хабарни IV-бобида баён этилган тартибга мувофиқ қўриб чиқади.

16. Корхонанинг тизим ости корхоналари ва таркибий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

IV-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қўриб чиқиш

17. Комплеанс ва ички назорат бўлимига келиб тушган барча таалуқли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки Корхона директори топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан қўриб чиқлади.

18. Коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни қўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалуқли хабар келиб тушган ёки қўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

19. Таалуқли хабар келиб тушганда Комплеанс ва ички назорат бошқармаси ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалуқлилигини таҳлил қиласи, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Корхона тизимига таалуқли коррупцияга оид ҳукуқбузарликка ёки манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш таалуқли хабар Комплеанс ва ички назорат бўлимига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичидаги амалга оширилади.

20. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақидаги ахборот Реестрга киритилади.

21. Агар Комплеанс ва ички назорат бўлими ходими хабар таалуқли эмас деган хulosага келса, бу хабар бир иш куни ичида Корхонанинг таркибий бўлинмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

22. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ёки манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувани ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Комплеанс ва ички назорат бўлими ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувани ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

23. Таалуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиши Корхонага келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиши муддатлари, Корхона директори томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳакда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

24. Мурожаатга жавоб Комплеанс ва ички назорат бошқармаси томонидан тайёрланиб, Корхона директори имзоси билан расмийлаштирилади.

25. Таалуқли хабарларни кўриб чиқиши якунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

26. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграмм-бот орқали юборилади.

V-боб. Ҳисобдорлик

27. Реестрандan Комплеанс ва ички назорат бўлими ходимлари, хабарларни кўриб чиқища иштирок этган тегишли бошқа қўмитанинг ходимлари (факат шундай хабарларга доир), Корхона директори ёки директори ўринbosарининг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринbosари фойдаланиши мумкин.

28. Реестр маълумотлари асосида Комплеанс ва ички назорат бўлими ҳар чоракда Корхона директорига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга таалуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган таалуқли хабарлар ва кўриб чиқилган таалуқли хабарлар сони;

коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалуқли хабарлар сони;

кўриб чиқиши муддатлари бузилган таалуқли хабарлар сони;

таалуқли хабарларни кўриб чиқишининг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланилдиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

VI-боб. Яқуний қоидалар

29. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

30. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

“Regionalgeologiya” ДУК алоқа каналлари
орқали коррупциявий хатти-харакатлар
тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул
қилиш ва кўриб чиқиш регламентига илова

Корхонада коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш РЕЕСТРИ

Т/р	Хабар қелиб тушган сана	Худуд	Хабарнинг тоифаси (коррупциявий хатти-харакат, манфаатлар
.	.		Мурожаатлар билан ишлаш тизимида рўйхатга олингандан сана ва раками
			Хабар юборилган алоқа канали
			Мурожаатчи мальумотлари (жисмоний ёки юридик шахс, қайта алоқа мальумотлари)
			Хабарнинг қискача мазмуни
			Хабар таалуқли бўлган тузиљма
			Кўриб чиқиш натижалари каноатлантирилди / тушиунишиш берилди/ кўрмасдан колдирилди
			Мурожаатчига жавоб юборилган сана ва хат раками
			Ижрочи
			Хабарни кўриб чиқкан тузиљма раҳбарни
			Изоҳ